



## ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧЛАРИ

<sup>1</sup>Янгибаев Айбек Кидирбаевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Маъмурий ҳуқуқ кафедраси бошлиғи ўринбосари, ю.ф.б.ф.д., доцент,

<sup>2</sup>Алимов Мавлон Махаматходжаевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳарбий тайёргарлик кафедраси катта ўқитувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7402788>

### ARTICLE INFO

Received: 18<sup>th</sup> November 2022

Accepted: 29<sup>th</sup> November 2022

Online: 30<sup>th</sup> November 2022

### KEY WORDS

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, йўл ҳаракати хавфсизлиги, автотранспорт воситалари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, автомобиль йўллари, замонавий техник воситалар, йўл ҳаракати қоидалари.

### ABSTRACT

Мақолада мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, бу борада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда қонунчилик нормаларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар таҳлил қилинган.

Мустақиллик йилларидан мамлакатимизда йўлларда транспорт воситаларининг ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, автотранспорт воситаси ҳайдовчиси ва пиёдаларнинг йўлларда ҳаракатланиш маданиятини оширишга, автотранспорт воситалари иштирокидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган замонавий техник воситалар билан жиҳозлаш, бу борадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. 2022 йилнинг 11 февralида Президент Шавкат Мирзиёев раислигида “Хавфсиз

ва равон йўл” тамойили асосида йўлларда инсон хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш чоратадбирларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда йўл ҳаракати хавфсизлиги таъминлаш борасида амалга оширилган ислоҳотларга қарамасдан, бугунги кунда республикада автотранспорт воситаларини бошқаришда йўл ҳаракати қоидаларини кўпол равишда бузиш ҳолатлари юқорилиги, йўл инфратузилмасидаги жиддий муаммолар йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқараётганлиги, оқибатда кўплаб инсонларнинг тан жароҳат олиши, энг



ачинарлиси, инсонларнинг бевақт вафот этаётгани ҳолатлари кўпайиб бораётганлиги таъкидланди. Агар рақамларга эътибор қаратиладиган бўлса, 2021 йилда 10 мингдан зиёд авария содир этилиб, уларда 9 мингдан ортиқ фуқаро жароҳатланди. Энг ачинарлиси, 2,5 мингга яқин одам, шу жумладан, 263 нафар бола ҳалок бўлгани катта фожиа эканлиги таъкидланди.[1] Автомототранспорт воситаси уриб кетиши оқибатида ҳаётдан бевақт кўз юмаётган бегуноҳ инсонлар орасида кимнингдир отаси, онаси, яна кимнингдир жондан азиз фарзанди борлигини тасаввур қиладиган бўлсак, бу ҳодисаларнинг аянчли кўриниши кўз олдимизда яққол намоён бўлади.

Йўлларда транспорт воситаларининг ҳаракатини ташкил этиш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Ушбу давлат органлари ўз ваколатлари доирасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат ва маҳаллий дастурларини тасдиқлаш, назорат олиб бориш, масъул ҳокимият органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, йўл ҳаракатини ташкил этиш масалаларига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, транспорт воситаларининг ҳайдовчиларини тайёрлаш, аҳолига йўлларда юриш-туриш хавфсизлиги қоидаларини ўргатишга доир умумий талабларни белгилаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги тиббий жиҳатдан таъминланиши, шунингдек йўл-транспорт

ҳодисаларида жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ишларини ҳамда қонун ҳужжатларида кўрсатилган бошқа вазифаларни ҳам амалга оширади.

Ҳозирда йўлларда содир бўлаётган автоҳалокатларнинг кўпчилиги транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, уларнинг малакасини қайта ошириш, ҳуқуқий саводхонлиги, ҳайдовчилик маданиятини юксалтириш, аҳолига йўлларда юриш-туриш хавфсизлиги қоидаларини ўргатиш билан боғлиқ ягона тизимнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги билан изоҳлаш мумкин. Ўтказилган таҳлилларнинг кўрсатишича, содир бўлган автоҳалокатларнинг 45 фоизи ҳайдовчиларнинг қоидаларни менсимаслиги, 10 фоизи ҳайдовчиларнинг тажрибасизлиги, 25 фоизи йўл ҳолати ва инфратузилмаси талабга жавоб бермаслиги, 20 фоизи эса пиёдаларнинг қоидаларга амал қилмаслиги оқибатида содир бўлмоқда. *Юқоридаги муаммоларнинг барчаси ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий, ҳам хавфсизлик масалаларига бевосита боғлиқдир.*[2]

Ушбу таҳлиллар натижасидан шундай хулоса қилиш мумкинки, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги муаммолар автотранспорт воситаси ҳайдовчисининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган йўл ҳаракати қоидаларни менсимаслиги, тажрибасизлиги, йўлларнинг белгиланган талабларга жавоб бермаслиги ва йўл ҳаракати қатнашчилари ҳисобланмиш



пиедаларнинг қоидаларга амал қилмаслиги оқибатида мазкур бахтсиз ҳодисалар ҳамда ҳуқуқбузарликлар юзага келаётганлигини кузатиш мумкин.

Йўлларда ҳаракатланаётган пиедаларнинг ўрнатилган қоидаларга амал қилмасдан ҳаракатланиши натижасида юзага келаётган кўнгилсиз ҳодисалар ва қонунбузилишлари, тегишли давлат органлари, таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ташкилотлар томонидан етарли равишда ёшлар ва аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларининг олиб борилмаётганлиги, аҳолида йўлларда ҳаракатланиш маданиятини шакллантирмаётганлиги, йўлларга ўрнатилиши лозим бўлган йўл ҳаракати белгиларининг сифатли ва белгиланган меъёрий талаблар доирасида ўрнатилмаётганлиги деб ҳисоблашимиз мумкин. Шу сабабли ҳам таълим муассасаларида, айниқса, болалар ва ёшлар орасида йўл ҳаракати қоидалари тарғиботини кучайтириш мақсадида, 2022 йил 26 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Таълим муассасаларида йўл ҳаракати қоидалари тарғиботини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 212-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарор асосида 2022-2025 йилларда ўқувчи ёшлар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, уларда хавфсиз ҳаракатланиш кўникмаларини ҳосил қилиш мақсадида, “Йўл ҳаракати интизоми болаликдан бошланади” шиори остида “Ҳаракат хавфсизлиги синфхоналари”, “Йўл ҳаракатини ўрганиш майдончалари”, “Йўл ҳаракати қоидалари ёш тарғиботчиси” клуби,

“Яшил чироқ” мусобақасини ўтказиш билан боғлиқ ташкилий масалалар белгиланди.

Йўлларда ҳаракатланиш вақтида транспорт воситаси ҳайдовчисининг йўл ҳаракати қоидаларни менсимаслиги натижасида содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида, 2022 йил 12 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 172-сонли қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ, мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари атрофидаги йўлларда 300 метргача бўлган масофада 30 километрдан, турар жой даҳалари ва ёндош ҳудудларда эса соатига 20 километрдан оширмасдан ҳаракатланишга, транспорт воситаларининг қайрилиб олиш жойларида ва унга 30 метр етмасдан ёки ўтиб тўхташ тақиқланиши, Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоят марказларидаги йўл ҳаракати қатнови юқори бўлган ва аҳоли гавжум ҳудудларда транспорт воситаси ҳаракатланишининг юқори тезлиги соатига 60 километр этиб белгиланиши мумкинлиги ва бошқа шу каби йўл ҳаракати қоидаларига ўзгартиришлар киритилди.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасидаги муаммолардан яна бири бу автотransпорт воситаси ҳайдовчиларининг ёшлиги ва тажрибасизлиги натижасида йўл-транспорт ҳодисалари содир этилишининг ортиб бораётганлигидир. Жумладан, автоҳалокатларнинг 75 фоизини 35 ёшгача бўлганлар содир этган. Ҳар йили 500 минг киши ҳайдовчилик гувоҳномаси олади, лекин



25 фоизи машғулотларга қатнашмайди. Ҳайдовчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари қабул қилинган. Аммо ушбу қарорларда ҳам, йўл ҳаракати қоидаларида ҳам янги ҳайдовчилар учун ҳеч қандай қўшимча талаб мавжуд эмас. Ваҳоланки, таҳлиллар аксар автоҳалокатлар айнан ёш, тажрибасиз ҳайдовчилар томонидан содир этилаётганлигини кўрсатмоқда.[3] Бу каби муаммоларни бартараф этишнинг ягона тизимга солинган, йўл ҳаракати қоидаларини назарий ва амалий билим берувчи ҳамда ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун топшириладиган синовларнинг холисона ва адолатли тарзда ўтказилишини таъминловчи ўқув марказларини ташкил этиш мақсадида, Тошкент шаҳрида биринчилардан бўлиб, замонавий “Тошкент имтиҳон маркази” ташкил этилиб, назарий ва амалий имтиҳонларни тўлиқ автоматлаштирилган режимда ўтказиш ва баҳолаш тизими йўлга қўйилди. Албатта, бу каби замонавий ўқув марказларини республиканинг барча ҳудудларида жорий этиш ва имтиҳонларни холис, ҳеч ким аралашувисиз ва адолатли тарзда ўтказилишини йўлга қўйиш муҳим ҳисобланади.

Шунингдек, йўл инфратузилмасини ривожлантириш ҳам муҳим вазифалардан бири бўлиб, бу соҳада малакали кадрларни етиштириш, йўл ҳаракатини тартибга солиш соҳасида етакчи хорижий ташкилотлар билан тажриба алмашишни ташкил этиш, халқаро стандартларнинг замонавий

талабларига мос равишда автомобиль йўлларини қулай ва шинам қилиш, замонавий технологиялар асосидаги бўёқдан ва бошқа сифатли материаллардан фойдаланган ҳолда ўчиб кетмайдиган йўл чизиқларини тортишни тизимли олиб бориш мақсадга мувофиқ. Бу каби ишларни жадаллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 4 апрелдаги ПҚ-190-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасини замонавий талабларга тўлиқ мувофиқлаштириш ҳамда илмий, методик ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан ташкил этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 30 июлдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасини илмий-методик таъминлаш, йўлларда эксплуатация-монтаж фаолиятини тартибга солиш ҳамда «хавфсиз йўл» индексини юритиш амалиётини жорий этиш тўғрисида” 415-сон қарори [4] қабул қилиниб, мазкур қарор асосида Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоятлар, туман (шаҳар)лар марказларидаги кўчаларда, шунингдек, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг ушбу туман (шаҳар)лар марказлари чегараси ичидан ўтган қисмларида йўл чизиқларини чизиш, йўл белгилари ва кўрсаткичларини, светофорларни ўрнатиш, алмаштириш, сақлаш, демонтаж қилиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш ишларини амалга ошириш, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати фаолиятини методик жиҳатдан



таъминлаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ва йўл-транспорт ҳодисаларига имкон бераётган асл омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чоратадбирларини ишлаб чиқиш ва бошқа вазифалар белгиланди.

Шуни алоҳида эътиборга олиш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизда автотранспорт воситалари сони ортиб бораётганлиги сабабли, келажакда йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг янги замонавий тизимини яратишни талаб этилади. Шу боис, мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, хусусий секторларни жалб этган ҳолда ишларни ташкиллаштириш, йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича узоқ муддатли стратегик режалар ва дастурларни ишлаб чиқиш, йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ўзаро шартнома доирасидаги мажбуриятларни бажаришга интилиш ҳамда йўл транспорт ҳодисаларининг камайишига эришиш учун тизимли

ишларни ваколатли органлари ва соҳавий хизматлар ўртасида ҳамкорликда ташкил этиш муҳим ҳисобланади.

Умуман олганда хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга доир қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши, мамлакатимиз аҳолиси ва фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза этилишига, уларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари таъминлашига хизмат қилади. **Шунингдек, “Хавфсиз ва равон йўл” ҳамда “Йўл — пиёда учун” тамойилларини кенг жорий** этиш орқали йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга, йўл ҳаракати иштирокчиларининг йўл қоидаларига риоя қилишларига, йўлларда содир этилиши мумкин бўлган турли хил ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ва йўлларда **инсон хавфсизлигини таъминлашга эришиш мумкин.**

## References:

1. <https://review.uz/oz/post/prezident-ishtirokida-yollarda-harakat-xavfsizligini-taminlash-masalasida-yigilish-otkazildi>
2. <https://review.uz/oz/post/prezident-ishtirokida-yollarda-harakat-xavfsizligini-taminlash-masalasida-yigilish-otkazildi>
3. Раҳимов К. Самарали механизмни жорий этиш – долзарб вазифа. Qalqon / Щит. – 3(282)-son. – 2022-yil. – 15 bet.
4. <https://lex.uz/uz/docs/6136750>